



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI BOYSUN TUMANI HOKIMINING
QARORI

Boysun t., Hayot Abadiy ko‘chasi 1-uy. 190400, tel.: (+99876) 33-5-20-64, boysun_t@exat.uz, http://baysun.uz

2021 йил «17» июль

75-8-110-Q/21

Бойсун туман ҳокимлиги

**Уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдидан олинган маълумотлар айрим турларидан
кўчирмалар ва нусхалар бериш тартибини белгилаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастрларитўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 январдаги 18-сон “Ўзбекистон Республикасининг уй-жой фондини давлат йўли билан ҳисобга олиш тўғрисида”ги қарори, “Кўчмас мулк объектларига кадастр йиғма жилдини тайёрлаш” Қоидалари (рўйхат рақами 2725, 03.11.2015 й.), Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни 6, 25-моддаларига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдидан олинган маълумотлар айрим турларидан кўчирмалар ва нусхалар бериш тартиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.
 2. “Уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдидан олинган маълумотлар айрим турларидан кўчирмалар ва нусхалар бериш тартиби” иловага мувофиқ тасдиқлансин.
 3. Давлат кадастрлари палатаси Бойсун туман филиали (М.Жўраев) мазкур қарор билан тасдиқланган “Уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдидан олинган маълумотлар айрим турларидан кўчирмалар ва нусхалар бериш тартиби”га мувофиқ иш юритилишини таъминласин.
 4. Матбуот хизмати (Ю.Холиёров) мазкур қарорнинг расмий эълон қилинишини ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.
 5. Мазкур қарор расман эълон қилингандан кейин кучга кириши белгилансин.
 6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ҳоким ўринбосари
- Ш.Нормўминов зиммасига юклатилсин.

Ҳоким



ҲО‘РАҲЕВ А. С.

Бойсун туман ҳокимининг
2021 йил 17 июлдаги
75-8-110-Q/21-сон қарорига
1-илова

Уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдидан олинган маълумотлар айрим турларидан кўчирмалар ва нусхалар бериш тартиби

1. Уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилди уй ёки турар жой фойдаланишга қабул қилиниб олинаётганда ёхуд турар жой уй-жой фондига киритилаётганда тузилади.

Кейинги техник ҳисобга олиш уйлар ва турар жойларни вақти-вақти билан режали хатлашлар ўтказиш йўли билан беш йилда камида бир марта, шунингдек режадан ташқари текширишлар жараёнида ҳисобга олиш кўрсаткичлари ўзгаришлари аниқланишига қараб амалга оширилади.

2. Уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдидан олинган маълумотлар айрим турларидан кўчирмалар ва нусхалар мустақил ҳужжатларни ташкил этади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 январдаги 18-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида уй-жой фондини давлат йўли билан ҳисобга олишнинг ягона тизими тўғрисида”ги Низомга асосан Уй-жой фонди инсон яшаши учун яроқли бўлган турар жойдан, шу жумладан, уйлар, квартиралар, хизмат турар жойлари, маҳсус уйлар, (ётоқхоналар, вақтинчалик уй- жой фонди уйлари, ногиронлар, фахрийлар, ёлғиз қариялар, интернат -уйлар, шунингдек болалар уйлари ва ва бошқа маҳсус мақсадли уйлар)дан иборат бўлган фонд.

4. Уй-жой фондини ҳисобга олиш техник ҳужжатлар йиғма жилди, рўйхатдан ўтказиш дафтарлари, инвентар ҳужжатлар йиғма жилдида шаклланган рўйхатдан ўтказилган ҳужжатларнинг нусхалари, бошқа инвентаризация ҳужжатлари туман давлат кадастрлари палатаси туман филиали архивида сақланади.

5. Уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдидан олинган маълумотлар айрим турларидан кўчирмалар ва нусхалар бериш учун юридик ва жисмоний шахслар ёки уларнинг ишончли вакиллари давлат кадастрлари палатаси Тупроққалъа туман филиалига ариза билан мурожаат қилади.

6. Аризалар давлат кадастрлари палатаси туман филиали томонидан қабул қилиб олинади ва шу куннинг ўзида аризалар реестрига қайд қилинади.

7. Юридик ва жисмоний шахслар ёки уларнинг ишончли вакиллари уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдидан олинган маълумотлар айрим турларидан кўчирмалар ва нусхалар бериш учун давлат кадастрлари палатаси туман филиалига телекоммуникация каналлари орқали электрон ҳужжат кўринишида ариза беришлари мумкин.

8. “Кўчмас мулк объектларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш” Қоидаларига асосан (рўйхат рақами 2725, 03.11.2015 й.) кадастр йиғма жилди йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келганда ҳуқуқ эгасининг аризасига мувофиқ, давлат кадастрлари палатаси туман филиали архивида сақланаётган кадастр йиғма жилдининг ҳуқуқ эгасига тегишли қисмларидан нусха олинади.

Ушбу нусхалардан иборат кадастр йиғма жилдининг ҳар бир варағига давлат кадастрлари палатаси туман филиали раҳбари томонидан аслига тўғри деган ёзув киритилади ва имзоланади ҳамда ариза келиб тушган кундан бошлаб икки иш кун ичида ҳуқуқ эгасига топширилади.

Мазкур тартиб талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.